

**ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА  
ЎТКАЗИШ**

*Атамуратов Убайдулла Жавлиевич  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Аудит” кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилаётган молиявий ҳисобот аудитида давр харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича муаммолар ёритиб берилган ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** харажатлар, давр харажатлари, маҳсулот таннархи, аудит стратегияси, аудит режаси, аудиторлик далиллари, тахлилий амаллар.

Республикамида аудит бозори барқарор ривожланаётган сўнгти йилларда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларига алоҳида эътибор берилмоқда. Зоро, аудиторлик хизматига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бораяпти.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ҳам ривожлантириш ва халқаро стандартлар асосида ташкил этиш давр талабига айланмоқда. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши ва бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи миллий ва халқаро стандартларнинг ўзаро мувофиқлиги масалаларини олдинги ўринга чиқарди ва уларнинг долзарблиги ушбу икки (аудитнинг халқаро стандартлари ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари) стандартларни амалиётга жорий этишни тақозо этди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни билан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш учун қулай шароит яратилган.

Аудиторлик текшируви чоғида аудит режасига тузатишлар киритилиши мумкин. Аудиторлар текширув вақтида улар томонидан бажариладиган ишларнинг ҳажми ва сифатини тасдиқлайдиган, асосий ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланган, иш ҳужжатларини тузишлари лозим. Бу ҳужжатлар ихтиёрий шаклда тузилиб, уларда мижоз тўғрисидаги зарур маълумотлар; бажариладиган ишларнинг батафсил баёни бўлиши лозим. Хусусан қўйидагилар кўрсатилади: текширув ўтказиш услуби (ёппасига ёки танлаб), ёки текшириладиган ҳужжатларнинг ҳажми; текширув натижасида аниқланган камчиликлар; текширувга тақдим этилмаган дастлабки ва бошқа ҳужжатлар рўйхати; амалдаги қонунчиликка мос келмасликлар; аниқланган камчиликларни бартараф қилиш усуллари тўғрисида аудиторнинг фикрлари; мижозининг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тавсиялар. шунингдек, иш


## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

хужжатларида: мижоз-корхонанинг ички хўжалик назорат тизимини (ушбу тизимнинг ижобий томонлари ва салбий жиҳатларини ажратиб қўрсатган ҳолда); ўтган йилдаги аудит дастури ва унинг натижаларини акс эттириш зарур. Иш хужжатлари аудитнинг яхши режалаштирилганлигини, тўпланган маълумотлар ишонарлилигини, аудиторлик хulosасининг амалга оширилган аудит натижаларига мувофиқлигини тасдиқлаши лозим. Зарур ҳолларда аудитор ҳақиқатан ҳам айнан шундай аудиторлик хulosаси тузиш учун етарли гувоҳликлар тўпланганлигини ҳам баҳолаши зарур.

Иш хужжатларидаги тафсилотларнинг тасдиқланган молиявий ҳисоботдаги маълумотлардан фарқ қиласлиги ўта муҳимдир. Аудиторлик хulosалари яққол ва икки хил маъно билдирамайдиган бўлиши лозим.

Иш хужжатларида акс эттирилган ёзувларга асосан аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хulosаси тузилади.

Давр харажатлари, асосан мутлоқ суммада ўрганилади. Шунингдек, нисбий даражаси ва ўзгаришларига ҳам катта аҳамият берилади. Давр харажатларининг товар айланишига ёки реализация ҳажмига бўлган нисбий даражаси аудитда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун аудитнинг бу борадаги асосий вазифаси-давр харажатларининг фақат ўзгаришини эмас, балки бу ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларга ҳам баҳо беришга қаратилиши лозим (1-расм).



**1-расм. “Ўзагросуғурта” Акциядорлик жамиятида давр харажатлари динамикаси<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан яратилган.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш жараёнида аудитор корхонадан олинадиган маълумотларни текширмайди, лекин унинг режа тузишга оид ишлари хужжатлаштирилиши лозим. Шунинг учун режалаштиришнинг биринчи босқичида аудитор текширадиган корхона бўйича қуидаги маълумотларни тайёрлаши лозим: корхона фаолиятининг баёни; бухгалтерия ҳисобининг шакли ва ташкилий тузилишининг баёни, бошқарув тизимининг баёни, текширилаётган корхона молиявий ҳисобининг қисқача таҳлили.

Бунда аудитор корхона тўғрисидаги бирламчи маълумотларни тўплайди. Айни пайтда корхона фаолиятини белгилайдиган муҳим маълумотлар ва хужжатлар нусхаларидан иборат доимий хужжатлар тўпламини шакллантиради. Ушбу тўплам ҳозирча мазкур корхона аудиторлик ташкилотининг мижози бўлиб қолар экан, келгусидаги барча текширувларда ундан фойдаланилаверади. Ҳар бир аудиторлик текшируви учун корхонанинг иш фаолиятини ёки ҳисоб тизимини, агар улар сезиларли даражада ўзгармаган бўлса, қайтадан ўрганиб чикишга эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун аудитор ҳар доим кейинчалик аудит ўтказганида ҳам ушбу доимий тўпламдан фойдаланиб, зарурат бўлганда уни янгилааб боради.

Доимий тўпламда қуидагилар сақланиши лозим:

- таъсис хужжатларининг нусхалари ёки баёни;
- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумотлар;
- корхонанинг маслаҳатчилари ҳақида маълумотлар;
- корхонанинг банкдаги счёtlари ҳақида маълумотлар;
- текшириладиган корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар (мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, суғурта компаниялари, харидорлар ва буюртмачилар ва бошқалар) билан тузилган турли шартномалари ҳамда меҳнат шартномаларининг нусхалари;
- ташқи текширувлар(бошқа аудиторлар, солиқ инспексияси ва ш.ў.)нинг текширув материаллари.

Аудитнинг самарадорлиги уни тўғри режалаштиришга бевосита боғлиқдир. Аудитни режалаштириш ўз ичига аудиторлик текширувининг умумий ҳажмини аниқлаш, аудит дастурини тузиш, аудитда кўлланиладиган усулларни белгилаш, текшириш муддатлари, кўрсатиладиган хизматларни ва аудит хатарини аниқлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Давр харажатлари аудити натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуидагиларни ўз ичига олади:

- давр харажатлари бўйича ишчи хужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи хужжатларни тайёрлаш;
- давр харажатлари бўйича аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
- давр харажатлари бўйича аудиторлик далилларнинг етарлилигини

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

баҳолаш;

- давр харажатлари бўйича бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- давр харажатлари бўйича ҳисбот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;
- давр харажатлари бўйича текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз-корхона раҳбариятига тақдим қиласидиган ёзма ахборотини тузиш;
- давр харажатлари бўйича аудиторлик ҳисботини тузиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг давр харажатлари бўйича дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Факат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Иқт.фан.док. дис....автореф. – Тошкент: 2002. – 42 б.;
2. Мелиев И.И., Бозоров А.Р., -ТМИ, ўқитувчи. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: Дис. ... иқт. фан. докт. - С.: 2001. –323 б.
4. Бадмаева Ж.Д., Лебедева А.Ю, Понятие расходов организации и их классификация, Журнал Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии, Текст научной статьи по специальности “Экономика и экономические науки”, с.7 [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)
5. Verneris J, Naoum V., Vlismas O., “Organisation capital and sticky behaviour of selling, general and administrative expenses”, Management Accounting Research; Volume 26, March 2015, Pages 54-82 <https://doi.org/10.1016/j.mar.2014.10.003>
6. Гусарова Л.В. Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в некоммерческих организациях. Монография. - Казань. Познание, 2009. - 264стр.
7. Joppen R., Tekaat L., Kuhn N., “Identification and Structuring of Benefits and Expenses for Evaluating the Profitability of Investments in Digitization within Production”; Procedia Manufacturing; Volume 33, 2019, pages 248-255, <https://doi.org/10.1016/j.promfg.2019.04.030>
8. Ochilov, O. I. (2022). INVESTMENT QUALITY ANALYSIS IN BUSINESS ENTITIES. Архив научных исследований, 2(1).
9. Ochilov, O. (2022). ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. Архив научных исследований, 2(1).
10. Ochilov, O. I. (2019). DEVELOPMENT OF METHODOLOGY FOR RECOGNIZING REVENUES FROM INVESTMENTS. In Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития (pp. 96-99).
11. Ochilov, O. I. (2019). THEORETICAL BASES OF INVESTMENTS ACCOUNTING. In БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА (pp. 209-214).

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

12. Ochilov, O. I. (2018). METHODOLOGICAL ASPECTS OF FINANCIAL AND ECONOMIC PERFORMANCE ANALYSIS OF BUSINESS ENTITY. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА, СТАТИСТИКИ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ (pp. 26-34).
13. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
14. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759
15. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
16. Kholdorov Sardor Umarovich. (2024). LIQUIDITY RISK MANAGEMENT IN THE BANKING SECTOR: CHALLENGES, STRATEGIES AND IMPLICATIONS. World Scientific Research Journal, 26(3), 122–131. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/3255>
17. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
18. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.
19. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o'rni.
20. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.
21. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.
22. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>
23. У.А. Нурманов. (2024). ЖОРӢӢ АКТИVLARНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 26(3), 140–147. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/3257>